

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялари ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастр кўмитаси, Ўзбек давлат Ер тузиши илмий-лойиҳалаш институти «Ўздаверлойиҳа» билан ҳамкорликда «Бозор иқтисодий-ти ислохотларини чуқурлаштиришда Ер тузишни такомиллаштириш муаммолари» мавзуида халқаро илмий-анжуман ўтказди.

• Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан «Аёлнинг жамиятдаги мавқеи-ни ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мавзуларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Фаргона шаҳрининг Аҳмад ал-Фаргоний номли истироҳат боғида анъанавий мактаб ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 28 та маҳаллий корхона ва фирма ўз маҳсулотлари билан қатнашган бўлиб, бу ерда ота-оналар ўз фарзандлари учун 15 турдаги ўқувчи-лар формалари, турли канцелярия маҳсулотларини қониқиб билан харид қилмоқдалар.

• Сурхондарё вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенга-шининг «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан вилоят кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги ташаббуси кенг жамоатчилик томонидан маъқулланди. Эндilikда мазкур кўрик-танлов уч босқичда — «Энг яхши қасаба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вақил» номинациялари бўйича ўтказилади.

• Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Пахтачи сут» агрофирмаси масъулияти чекланган жамияти қошида гишт ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Корхонага 40 нафар қишлоқ ёшлари доимий ишга жалб этилган бўлиб, ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 20 минг донадан сифатли пишиқ гишт ишлаб чиқариляпти.

ЖАҲОНДА

• Ироқ нефти ва газини ишлаб чиқиш бўйича навбатдаги халқаро тендер Истанбул шаҳрида ўтказилади.

• Жорий йилнинг 17 августида йирик аварияга учраган Россиядаги Саян-Шушен ГЭСини тиклаш учун мамлакат жағмарга банки 20 миллиард рубль миқдорида кредит ажратадиган бўлди.

• Бугун АҚШнинг Канаверал кўрфазидан «Дискавери» космик кемаси коинотга парвоз қилади. Ҳаво кемасининг коинотдаги парвозининг 13 кун давом этиши режалаштирилган.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида бир баррел нефтнинг нархи 74 доллардан ошди.

• Сўнгги маълумотларга қўра «Маракот» тўфони натижасида Тайванда 678 киши ҳалок бўлган.

• Йирик молиявий фибрибгарлиги туфайли 150 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган 71 ёшли АҚШ фуқароси Бернارد Мэдоффнинг рақ касалига дучор бўлганлиги ҳақидаги маълумотларнинг ёлгон эканлиги маълум бўлди.

• Кувайт нефть вазири Аҳмад ал-Абдулла ас-Сабоҳнинг таъкидлашича, жаҳон бозоридаги нефть нархи айти пайтда энг мақбул кўрсаткичдадир. Зеро, нефтнинг қиймати 70-80 АҚШ доллари атрофида бўлса, нафақат уни етказиб берувчиларга, балки истеъмолчилар учун ҳам мақбул нарх ҳисобланади.

• Гарвард университетини олимлари саратон хасталигини даволашда яхши самара берадиган янги препаратни яратишди. Тадқиқотчиларнинг айтишича, «Салиномицин» деб номланган мазкур препарат саратонга чалинган тўқималарни тезда йўқ қилиш хусусиятига эга. Олимларнинг фикрича, мазкур восита синовдан муваффақиятли ўтса, саратонни кимёвий ҳамда жарроҳлик амалиётлари орқали даволашга ҳолат қолмайди.

• Хитойда А/Н1Н1 вирусига қарши яратилган янги вакцинанинг дастлабки клиник синовлари муваффақиятли якунланди. Тадқиқот натижалари вакцинанинг инсон ҳаёти учун хавфсиз эканлигини тасдиқлади. Натижалар шуни кўрсатдики, эмланганлар қонида А/Н1Н1 вирусига қарши антителалар пайдо бўлган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 167 (11.478)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенга-шининг 2009 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— Ашраф Аҳмедовга — «X-XV асрлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган Ўрта осиелик олимлар илмий меросининг ўрганилиши» (Бағдод, Хоразм Маъмур академиялари, Самарқанд илмий мактаблари мисолида) монографиялар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— Тўрабек Нугманович Долимов, Виталий Иванович Троицкийга «Эволюцион геология» монографияси учун;

адабиёт соҳасида:

— Омон Сулаймонович Мухторов (Омон Мухтор)га — «Навоий ва рассом Абулхайр» дилогияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Абдиев Олим Жабборович, Рашидов Ориф Олимович, Раҳмонов Абдусафихон Рафикавичга — Истиклол даврида Бухоро вилоятининг меъморчилигида анъаналар ва бадий меросни асраш амалиёти бўйича ишлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 24 август

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам жаноб Президент!

Гўзал Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва биродар халқига ўз самимий табрикларини изҳор этаман. Тошкент — бу, шубҳасиз, кўп жаҳатларда ўзига хос бир шаҳар. У узоқ вақтлардан буён маданият ва фан тараққиёти маркази саналган. Унда кўплаб сиёсий ва иқтисодий тадбирлар ўтказиб келинган. У тиңчилик ва барқарорлик, бағрикенглик ва ҳамжихатлик рамзи бўлиб келган. Сиз Жаноби Олийларининг оқилона раҳбарлигинида Ўзбекистон пойтахтининг мазкур аҳамияти янада юксалди ва аминманки, бу йилда бунданда юқори чўққилар забт этилади.

Мамлакатингиз халқи ушбу муҳим воқеани Тошкентнинг маданият, тарих ва фан борасидаги мавқеини янада мустаҳкамловчи бир оҳангда нишонламоқда. 2008 йил апрель ойида Сиз Жаноби Олийларига чикарган Фармонда қатор истиқболли чора-тадбирлар кўзда тутилган. Тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш ва замонавий инфратузилма тамал тошини қўйиш — бу чиндан инсонни руҳлантирувчи ютуқдир.

Тошкентнинг дунёдаги энг кўна пойтахтлардан бири сифатидаги улғуворлиги кенг эътироф этилган. Халқаро ташкилотлар, жумладан ЮНЕСКО томонидан шаҳарнинг 2200 йиллигини нишонлашга оид қарор қабул қилинган. Бу мафтункор пойтахтга билдирилган таҳсинлар белгисидир. «Жаҳон тамаддуни ривожидида Тошкентнинг тутган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуманининг ўтказилгани ана шундай эътиборлар сирасидан. Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти Ўзбекистоннинг улғувор пойтахтига нисбатан курсатилган эътиромга шерикдир. Мен ушбу мангу шаҳар буларнинг барчасига ва бундан-да зиёдорига муносиб эканига асло шубҳа қилмайман.

Жаноби Олийлари, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт, шунингдек, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равақ ҳамда Тошкентга янада юксалиш ва улғуворлигини тилаб қолувчи энг самимий дил изҳорларимни қабул қилгайсиз.

Самимият билан,

Хуришд АНВАР,
Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти
Бош хотиби

**ҚИСКА
САТРАРДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон — либерал-демократик партияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрга-



Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, билимли ва зукко этиб камолга етказиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Миллий дастур — амалда

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАСКАНИ

Жумладан, мазкур Давлат дастурига биноан Мирзо Улўғбек туманида 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, бино замонавий қиёфага эга бўлди. Кўни кеча мазкур санъат мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими вазирилиги, Мирзо Улўғбек тумани ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ифтихор билан сўзлашди.

— 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби 1956 йилдан буён эски бинода фаолият юритиб келар эди, эндиликда ушбу бино Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси томонидан қайта қурилиб, фойдаланишга топши-

**ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ**



рилди, — дейди мазкур мусиқа ва санъат мактабининг директори Сайёра Адилова. — Замонавий қиёфага ҳамда барча шарт-шароитларга эга бўлган мана шундай гўзал ва кўркем бинода фаолият олиб бориш нақадар қувончли. Шунингдек, таълим масканининг замон талаблари даражасидаги мусиқа асбоблари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланганлиги, айниқса диққатга сазовордир. Мактабимиз 200 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 223 нафар 6 ёшдан 17 ёшгача санъатга ихлоси балинд бўлган болалар етита йўналиш бўйича санъат сирларини ўрганмоқдалар. Фортепиано, скрипка, гитара, ўзбек халқ чолғулари, эстрада хонандлиги, тасвирий санъат ва хореография шулар жумласидандир. Икки қаватдан иборат ушбу бинода 150 ўринли концерт зали, 23 та синф хонаси, мусиқа хоналари, ахборот-ресурс маркази, Маънавият-маърифат хонаси

мавжуд. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, мактабимиз ўқувчилари орасида истеъдодли ёшлар кўп. Улар «Янги авлод», «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика кўрик-танловларида иштирок этиб муносиб ўринларга сазовор бўлганлар. Мактабни битирган ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ҳозирги кунда Ҳамза номидидаги мусиқа коллежи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясида таҳсил олишмоқда.

Истиклолимизнинг 18 йиллиги ҳамда янги ўқув йили олдидан фойдаланишга топширилган ушбу кўркем санъат маскани ўқитувчи ва ўқувчиларга муносиб совға бўлди.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

«Шарқ тароналари — 2009»

САЛОМ, САМАРҚАНД!

Самарқандда «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўрилди.

Айни пайтда фестивал иштирокчилари қадимий ва навиқирон Самарқандга таширф буюрмоқда. Шаҳар темирйўл вокзалида иштирокчиларнинг дастлабки гуруҳи кутиб олинди.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур мусиқа анжумани дунё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни санъат воситасида эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

— Биз, кувайтлик санъаткорлар мазкур нуфузли мусиқа фестивалида учинчи марта иштирок этаётгани-

миздан мамнунмиз, — дейди Бандар Абид. — Олдинги фестиваллардаги чиқишларимиз муносиб баҳоланган эди. Бу гал ҳам халқимизнинг миллий мусиқа санъати намуналарини тайёрлаб келганмиз. Уйлаймизки, санъатимиз томошабинларга манзур бўлади.

— «Шарқ тароналари» ҳақида кўп эшитганмиз ва бу анжуманда қатнашишни орзу қилардик, — дейди шотландиялик санъаткор Адам Райд. — Бу йил ушбу орзумиз амалга ошганидан хурсандимиз. Юртингиз гоят гўзал, халқингиз меҳмондўст экан. Айниқса, бу афсонавий шаҳар — Самарқанд бизни мафтун этди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

ниш институти ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» деб номланди.

✓ **«ЖАР»** спорт мажмуасида юртимиз Истиклолининг 18 йиллиги олдидан муайтай бўйича ташкиллаштирилган республика турнири якунланди.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги ҳарбий қисмда Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан юртимиз Истиклолининг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!
2009 йилда Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва мамлакат пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллик байрамларининг бир вақтда нишонланаётгани мамлакатингизнинг кўп асрлик тарихидagi ўзига хос бир даврдир.

Ушбу қулай фурсатдан фойдаланган ҳолда ва Франция Парламенти Миллий ассамблеяси «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси сифатида юртдошларингизга хизматингиз йўлида Сиз муттасил амалга ошираётган мамлакатни модернизациялаш сиёсатини бағоят юксак даражада баҳоламоқчиман. Сиз қўшган беқиёс ҳисса боис Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг 18 йили мобайнида жамият ҳаётининг турли соҳаларида сезиларли тараққиёт ва муваффақиятларни қўлга киритгани билан чин маънода фахрланиши мумкин. Чунки Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли демократик давлат доирасида гуллаб-яшнаётган фуқаролик жамиятини барпо этишга ҳамда кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишга эришилди. Ўзбекистон халқи узоқни кўра биладиган давлат арбоби, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти доирасидаги муҳим ролини таъминлаш кафолати сифатида Сизга ҳақли равишда юксак ҳурмат ила қарайди.

Сиз халқро микёсдаги нуфуз бахш этган Тошкент бугун жадал суръатларда ривожланаётган ва Марказий Осиёдаги замонавий иқтисодиётга эга, ҳар қанонгидан кўра йирик мегаполисдир. Шаҳар истиқболли келажак сари қатъий интилиб, ўзининг «Шарқ дарвозаси» сифатида уни фалсафа ва дин чорраҳасига айлантирган тамаддуллар уйғунлигидан мерос бўлиб қолган буюк тарихини ёдда тутди. Азонавий Буюк Ипак йўлида муқаррар бўлган Тошкент Сизнинг юксак интеллектуал жадалликка йўрилган маданият соҳасидаги сиёсатингизга бир мукофот сифатида 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Дунёга тинчлик ва дўстлик шахри дея ном таратган, кўламазор боғлари билан жаҳоннинг олис давлатларидан келган меҳмонларни хайратга солишда давом этаётган Тошкент тамаддуллар ўртасидаги идеал уйғунлиқнинг энг ёрқин тимсоли саналади. Ўзбекистоннинг цивилизациялар ривож ва бутун инсоният меросига қўшган мислсиз ҳиссаси юксак баҳога сазовордир.

Қўшалок байрам муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқига ўз самимий тилақларимни изхор этиб қоламан.

Жаноб Президент, Сизга бўлган бениҳоя юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ролан БЛЮМ,
Франция Парламенти Миллий ассамблеяси «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Президент!
Қутлуг сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан ўз табриқларимни йўллаш ва ушбу қувончли кунда Сиз ва бутун Ўзбекистон халқига энг самимий туйғу ва энг эзгу тилақларимни изхор этиш мен учун улкан шарофдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиқнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига йўналтирилган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ислохотлар ва мамлакатни тубдан модернизация қилишни бошқичма-бошқич амалга ошириш борасидаги ўз моделини танлади.

Сизнинг моҳирона ва оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқи мустақил тараққиёт йилларида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётда, аҳоли фаровонлигини оширишда тарихий муваффақиятларни қўлга киритди.

Халқро ҳамжамиятнинг муҳим аъзоси сифатида, Ўзбекистон минтақавий барқарорлик ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш, барча дунё мамлакатлари, жумладан Корея Республикаси билан ҳам ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантиришда бебаҳо ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳеч бир муболагасиз таъкидлаш мумкинки, Жанубий Корея — Ўзбекистон муносабатлари, ҳар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва қатъиятчилиги боис, ўз раънақининг энг юксак чўққисига кўтарилиди ва тобора янги соҳаларни қамраган ҳолда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Икки томонлама стратегик шериклик ва дўстлик салоҳияти мамлакатлар халқлари фаровонлиги йўлида ўзининг бой ва чексиз имкониятларини мана энди намойиш қилаяпти.

Мухтарам жаноб Президент!
Мен учун буюк миллий байрам — Мустақиллик кўни билан муборакбод этиш икки ҳисса қувонарлидир, чунки, ушбу қутлуг сана Ўзбекистон пойтахти — Тошкентнинг 2200 йиллик тантаналарига тўғри келмоқда.

Кўҳна, айни дамда ҳамиша навқирон Тошкент бугун ҳақли равишда Марказий Осиёдаги йирик мегаполисга айланди. Шаҳарнинг ўтмиш ва замонавий бинокорлик анъаналарини уйғунлаштирган меъморчилиги унга ўзига хос, бетакрор қиёфа бахш этади. Бу ерда бир бор бўлиб, шаҳар узра ёйилган чексиз мовий осмонни кўрган, ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлигига гувоҳ бўлган киши мазкур заминга яна ва яна келмоқликни ихтиёр этади.

Сўзим якунида яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи билан самимий қутлагга, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр, ўзбек халқига эса мангу тараққиёт ва раънақ тилашга ижозат бергайсиз.

Чўқур эҳтиром билан,

Ли МАН-СОП,
Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери,
Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени нишондори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Президент!
Дунё Бухоро яҳудийлари жамоалари ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг навбатдаги байрами ва гуллаб-яшнаётган меҳмондўст Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан Сиз ва Сиз орқали меҳнатсевар ҳамда биродар Ўзбекистон халқини чин қалбдан табриқлайман.

Ушбу шонли саналарни нишонлаш Сизнинг гўзал мамлакатингиз тарихида нафақат босиб ўтилган йўл сарҳисоби, балки мамлакат ва унинг шавкатли пойтахти келгуси тараққиёт сари ташланган нигоҳ ҳамдир.

Ушбу машаққатли йўлда Ўзбекистон Республикаси ва унинг ажойиб халқи фахрланса арзиғули хижатлар талайгина. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари 8,2 фоизни ва аҳоли реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этгани бундан далолатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу натижаларнинг барчасига бугунги кундаги кескин жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай эришилган муваффақ бўлинди. Бу, шунингдек, кўп хижатдан, шахсан Сизнинг раҳбарлигингизда ўз вақтида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги оқилона саъй-ҳаракатингиз тасдиғидир.

Яратганингиз инояти билан Ўзбекистонда, асосан яқинда юбилеи нишонланажак Тошкент шаҳрида истиқомат қилиб келган Бухоро яҳудийлари жамоаси аъзоларининг ахсарияти, тарихий ватани бўлиши Исроил давлатига қайтган. Асрлар мобайнида қайгу ва қувончли бирга баҳам кўриб келган халқларимизни умумий тарихий тақдирнинг кўринмас ришталари боғлаб туради.

Бухоро яҳудийлари айнан шу ерда, меҳмондўст ва саховатли Ўзбекистон замининда жамоамиз шаклланиб, ривожланганини доимо ёдда сақлайди ва қадрлайди. Биз шу ерда туғилиб вояга етдик, таълим олдик, шифокор, муаллим, муҳандис, санъаткор ва олимлар бўлиб етишиб, кўплаб дунё мамлакатларида юртимиз бўлиши Ўзбекистоннинг муносиб вакиллариغا айландик.


Халқимиз, айнан Ўзбекистон, ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок, Сизнинг ташаббусингиз туфайли, Исроил давлати билан дипломатия муносабатларини ўрнатганини асло унутмайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасида маданий ва иқтисодий соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш имконини яратди. Биз Ўзбекистон ва Исроилнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ва дўстона муносабатлари икки халқ фаровонлиги йўлида янада ривожланажасига самимият ила ишонч ва умид билдира-миз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, жаноб Президент, Сизнинг халқингизга ва юбилейини нишонлаётган Тошкент шаҳри аҳолисига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик ва раънақ тилаб энг эзгу истақларини изхор этишга ижозат бергайсиз.

Дўстона муносабатларимизнинг янада ривожланишига чин дилдан умид билдириб,

Лев ЛЕВАЕВ,
Бухоро яҳудийлари Бутунжаҳон Конгресси президенти,
Россия ва МДХ яҳудий жамоалари Федерацияси президенти

Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби шаҳар йўловчи транспортларини экологик жиҳатдан табиатга кам зарар етказадиган, қулай ва замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда.



ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИДА — ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

Бу борада фақат биргина мисол келтириладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 февралдаги «Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан пойтахтга Mercedes-Benz Conecto Low Floor автобусларидан шартнома асосида 200 дона келтириш режалаштирилган бўлиб, 2008 йилнинг июнь — октябрь ойи давомида уларнинг барчаси Тошкент шаҳрига тўла-тўқис етказиб берилди.

Ушбу автобуслар олдингиларига нисбатан замонавий кўриниши, ҳайдовчилар учун бошқарув тизимининг қулайлиги (ҳайдовчи салони жиҳозлари: салон совутиш тизими, иситиш тизими, бошқарув тизими автоматлаштирилган) барча тизимларни электрон тизимлар орқали текшириш, назорат қилиш имкониятлари борлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур автобуслар бошқарувида автобус борт компютери ўрнатилган бўлиб, ушбу қурилма орқали ҳайдовчиларни барча тизимларнинг техник ҳолати бўйича оғоҳлантириб туриш мумкин. Бошқарув тизими жуда қулай, рул бошқаруви ва ўриндиқлари ҳайдовчи бошқариши учун мослашадиган, ҳаво тизимида ишловчи жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими Mercedes-Benz Conecto Low Floor автобусида Евро-3 экологик стандартига мос двигателлар ўрнатилган. Мазкур двигателлар транспорт воситаси ишлаб чиқараётган зарарли чиқиндилар меъёрини пасайтириш мослашмасига эга.

Аҳолининг йўловчи ташиш транспортга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида ҳамда транспорт воситаларининг тўхтовсиз тасарруф этилишини таъминлаш, шаҳар транспорт тизимидаги автосаройларнинг техника воситаларини янги замонавий ва қулай транспорт воситалари билан янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 майдаги «Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар»

тўғрисидаги қарорига асосан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «ЭвоБус ГмБХ» (Германия) фирмаси ўртасида тузилган шартномага кўра Тошкент шаҳрига 200 дона Mercedes-Benz Conecto Low Floor автобусларини келтириш режалаштирилган.

2009 йил июнь — ноябрь ойи давомида ушбу автобусларни Тошкент шаҳрига етказиб бериш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда улардан 67 таси келтирилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун йўналишларга чиқарилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу автобуслардан синов тариқасида берилган биттаси Евро-4 двигателли Mercedes-Benz Conecto Low Floor июнь ойидан шаҳримиз аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу автобуздан чиқариладиган зарарли газ микдорини камайтириш мақсадида AdBlue суюқлик материалидан фойдаланилади. Яъни мазкур транспорт воситаси ишлаб чиқараётган зарарли чиқиндиларнинг меъёрини пасайтириш мослашмаси — катализаторга эга.

Ушбу автобусларнинг двигател тизимларида совутиш, ҳаво тизимлари, двигател осмалари, ҳаво филтрлари мавжуд. ECOMAT II автомат узатиш қутиси муҳандис-техник ходимлар томонидан янги аэродинамик тизимда ишловчи мосламаларга ўрнатилган.

Автобуслар пол қисми пастрлаштирилган турга мансуб бўлгани учун йўловчиларнинг автобусга чиқиш тушиши, юк ва маҳсул араваларни орттиш учун қулай қилиб ишланган, ҳаво тизими орқали автобусни кўтариш, пасайтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ҳамшаҳарларимиз узоқни яқин қилаётган Mercedes-Benz Conecto Low Floor автобуслари замонавий техниканинг сўнгги ютуқлари асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун тайёрланган. Келгусида албатта, Евро-4 двигателли Mercedes автобусларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: шаҳримиз кўчаларида қатнаётган энг сўнгги русумдаги қулай ва замонавий автобуслар

«ЁШ ОИЛА МАКТАБИ»НИНГ ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТИ

Ўзбек халқи болажон. Шундан бўлса керак оқ ювиб, оқ тараб, сал бетоб бўлса, кечалари мижжа қоқмасдан бошида парвона бўлган ота-она учун фарзандининг бахту иқболини, эришган муваффақиятларини кўриш биз ўзбекларда энг катта орзу. Негаки, шоир айтганидек, дунёда болам деб яшайди, ўзбек.

қайғуриши хусусида керакли маслаҳатлар берамиз. Бундан тегишли хулоса чиқарган оилалар яна бахтли ҳаёт кечириб кетмоқда. Ана шундай тажриба ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалларда, таълим муассасаларида «Оила — кўш устунли айвон», «Аҳил қайнона ва келин — оиланинг фаиришталари», «Оилада аҳил яшаш илми» каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб келмоқдамиз. Бунда бизга шаҳар Адлия бошқармаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва маҳалла оқсоқоллари яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Яқинда туманимиздаги «Янги давр» маҳалласида ўтказган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш — давр талаби» мавзусида давра суҳбати кўпчиликка ибрат бўлди. Унда шаҳар Адлия бошқармаси, туман тиббиёт биришмаси ходимлари, маҳалла фаоллари, 16 нафар никоҳланувчи ёшлар ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Г.Иномжонована оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз ҳимоясида эканлиги, бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар ижроси узоқидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Бундан ташқари, давра суҳбатида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши лозимлиги хусусида жонли мисоллар орқали тушунтиришлар берилди. Аҳамиятли томони шундаки, тадбирда бўлгуси ёш оилалар вакиллари билан бирга ота-оналар ҳам фаол иштирок этиб, улар фарзандларини никоҳлашдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш лозимлигини тушуниб етишди. Шунинг учун келгусида бундай тадбирларни туманимизнинг ҳар бир маҳалласида ўтказишни режалаштириб олдик.

Зулайхо КАМОЛХОДЖАЕВА,
Ҳамза тумани ФХДЭ бўлими мудираси

Фан

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти лабораториясида ош тузини йодлаш жараёнлари билан боғлиқ тажриба-намуна ишлари олиб борилди.

Европа сувларидан олинаётган йод пастасини тозалаш, ундан кристалл тоза йод олиш усули ҳам қутилган натижасини берди.

Ош тузини йодлаш учун хизмат қиладиган қурилмадан ҳам фойдаланишда кальций йодини зарурий манбалардан олиш технологиясини саноат асосида қўллаш туфайли катта микдорда иқтисодий фойда қўрилмоқда.

МУАЛЛИФЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ

Тошкент Давлат аграр университети селекционер олимларининг изланишлари билан гўзаларнинг янги истиқболли навлари яратилмоқда.

Бундай самарали тадқиқотлардан бир нечтаси муаллифлик гувоҳномаси билан тасдиқланди.

Юқори частотали электромагнит майдонининг гўзага таъсири ҳам амалда исботланди. Нурлан-тирилган чигитнинг ривожланиш жараёни ҳам пахтачилар селекциясида ўзига хос янгилик бўлди.

Бу изланиш ҳам мутахассислар томонидан ихобий баҳоланмоқда.

КЕНГ ОММАЛАШГАН ПРЕПАРАТ

Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан яратилган дори воситалари сони 40 тага етай деб қолди.

Шулардан 15 таси фармацевтика саноатида қўлланилмоқда. Янги ҳосил қилинган «Аллапини» препаратни эса мамлакатимизда бўлгани каби Россия Федерациясида ҳам саноат асосида кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Тиббиёт

ДОРИ-ДАРМОНЛАРГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Асосий дори воситалари рўйхати» янги тавсияномаси тасдиқланди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ишларини яхши-лаш, дори-дармонларни харид қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида қўрилган бу муҳим тадбир асосида муассасалар учун дори воситалари формулярлари ишлаб чиқилиб, кенг омма-лаштирилди.

СОҒЛОМ ОИЛА

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалида уюштирилган анжуман «Соғлом оила — тараққиёт пойдевори» деган мавзуга бағишланди.

Унда Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод-ни шакллантиришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъ-минлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чи-қилди.

Анжуманда республика репродуктив саломат-лик маркази томонидан ишлаб чиқилган тавсия-ларни амалиётга жорий этиш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Диспансеризация ойлиги» ўтказилди.

Яккасарой туман тиббиёт биришмасига қараш-ли оммавий поликлиникада ҳам бу тадбирга пу-хта тайёрларик қўрилди.

Тумандаги қатор маҳаллаларда уюштирилган чуқурлаштирилган тиббий кўриққа аҳолининг кенг қатлами жалб этилди.

Ақбар АЛИЕВ

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Биз бугун қўш байрам арафасида турибмиз. Бири, шонли Мустақиллигимизнинг 18 ёшли муаззам тўйи бўлса, иккинчиси буюк мамлакатимизнинг юраги азим Тошкент шаҳрининг мукаррам 2200 йиллигидир.



НАВҚИРОН ЁШИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!



Тарихдан маълумки, қайси салтанат тараққий сари юз бурса, инсоният ҳаётида буюк ўзгаришлар даврини бошдан кечириб бошласа, қайсидир шаҳар, мана шу юксалишга ўз бағридан жой берган — жонажон макон бўлгандир.

Айтайлик, келажакда бутун Европанинг қад ростлашида тамал тоши бўлиб хизмат қилган — боқий Рим шаҳри бунга ёрқин мисол. Ёинки, Амир Темури ҳазратларининг дунёнинг ярмини эгаллаб турган пайтларида таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган — Самарқанд шаҳри фикримизга мисол бўла олади.

Бугунги кунда, тарихдан олиб қараганда Тошкент — буюк ўзбек салтанатининг гуллаб-яшнаши учун мана шундай шарафли вазифани ўтамоқда.

Тошкент — бизнинг нафақат пойтахтимиз, балки барчамизнинг бошимизни бирлаштирувчи бош шаҳримиз, буюклигимиз кафолати, аҳиллигимиз рамзи, муҳаббатимиз тожи, фаровонлигимизнинг мағрур қояси, жонимиз титроғида, қалбимиз ардоғида, кўзимиз қароғида асраб-авайлаган — олий қароргоҳимиз, абадиятга дахлдор қасримиздир.

Тошкент, нафақат 28 милли-

онлик Ўзбекистоннинг, балки дунёдаги жамики ўзбекларнинг, жамики тинчликсевар, адолатпарвар халқларнинг севимли шаҳри, азиз маскандир. Ер юзюда, тинчликпарвар, инсонпарвар, ҳаётга муҳаббат билан қаровчи, тинч ва осуда, бахт ва фароғатда яшашни истовчи олижаноб миллионлаб, миллиардлаб одамлар бор экан, улар учун Тошкент ҳаммаша муҳтарам ва муҳташам шаҳар бўлиб қолаверади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрига минглаб зиёратчиларнинг келаяти, халқаро нуфузли ташкилот томонидан «Тошкент — ислом маданияти маркази» дея тан олингани ҳам бундай дейишимизга ёрқин асос. Тошкент бино бўлган биринчи кундан бу ердан буюкларнинг қадами аримаган. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Ясавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Амир Темури ҳазратлари, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хожа Аҳрор Валий, Арслонбобо ҳазратлари, Қафқол Шоий ҳазратлари, Бобораҳим Машраб, Абдулла Қодирий бу ерда бўлган, яшаган ва бугунги кунда ҳам буюк зотларнинг дуолари азим шаҳримизнинг мунаввар ҳаётига файзу барака бериб турибди.

Сергей Есенин, Анна Ахматова, Габриэль Маркес, Раж Капур, Пабло Неруда, Евгений Евтушенко сингари XX аср даҳолари ҳам Тошкентни азиз билган ва ардоқлаганлар.

Шунинг учун яхши англаш кераки, Тошкентда бугун 2,5 миллион эмас, балки камида 200 миллион аҳоли яшайди. Ер юзюнинг барча бурчагида қалбан, руҳан Тошкент билан, уни ҳаёли ва Тошкент ҳаёти билан, Тошкент соғинчи билан яшаётган миллионлаб одамлар бор. Уларнинг барчаси бугун Тошкентнинг азиз 2200 ёши билан қутламоқда, муборакбод этмоқда.

Европа тараққийи учун Рим қанчалик аҳамиятга эга бўлган бўлса, Мустақил мамлакатимиз тараққийи учун Тошкент ҳам мана шундай зафарли тарихий роль ўйнайди.

Биз сенинг арзанда меҳмонимиз, биз сендан куч оламиз, бахт оламиз, муҳаббат ва ҳаёт оламиз, эй, мангу барҳаёт Тошкент! Сен инсоният яратган энг гўзал дурдонасан, Сен инсониятнинг буюк даҳоларини етиштирувчи олтин остонасан, Эй Оллоҳ суйган шаҳар! Навқирон ёшинг муборак бўлсин!

Муҳаммад ИСМОИЛ

Тошкентдаги Сергели маданият ва истироҳат боғида «Мустақил юрт фарзандиман» шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Сергели туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир Энг улуг, энг азиз байрамимиз Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди. Унда икки юз нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Мана бир неча йилдирки, жамғарма томонидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга татбиқ этиб келинаётир.

Тадбир доирасида болажонлар спортнинг шашка, шахмат, стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашишди. Бундан ташқари, расмлар кўриктанлови, «Биз истеъдодларни танлаймиз» шиори остида мусиқий беллашувлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига байрам кайфиятини улашиш ва ота-она меҳридан бебахра болаларнинг кўнглини олиш, уларни шу муқаддас Ватанга муносиб бўлиб вояга етишида ҳисса қўишдан иборат.

Байрам тадбирига ёш эстрада юлдузларининг чиқишлари янада кўтаринкилик бағишлади. Шунингдек, истироҳат боғидаги кўнгулочар аттракционлар болажонлар ихтиёрига топширилди. Барча қатнашчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти биноси ҳозирги Мустақиллик майдони қоқ этагида жойлашган бўлиб, бу майдоннинг боғбони Абдували ака Одилов эди. У киши қадимий «Бекобод» маҳалласида истиқомат қилардилар.

Абдували боғбон институтнинг сарраҳбари, академик Воҳид Зоҳидов илтимосига кўра ўзи парваришлаган, пайванд қилган ўрик, олма, нок, олхўри, беҳи, балх тути, шотут, олча, ёнғоқ кўчатларидан келтириб, илми-гоҳ ҳовлисига гир айлантириб эккандилар. Уч-тўрт йилдан сўнг мевалар шигил-шигил ҳосилга кирганди.

Меъмор Пўлат Зоҳидов таклифига кўра Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳовлисига каттақон сарҳовуз ҳам кавланиб, атрофига манзарали дарахтлар экилади. Бора-бора сув тўлдирилган ҳовуз атрофи файзга тўлиб, ёз фаслида соя-салқин жойларда ходимлар мазза қилиб дам олишар, илмий анжуманлар ўтказадиган бўлишганди. Институт ҳовлисидидаги ширин-шарбат мевалардан ҳамма тотиб, «Яхшидан боғ қолади...» деганларидек, Абдували боғбон Одиловни эслашарди.

XIX-XX асрда Тошкент боғлари нияҳатда кенгайиб, боғ барпо этилмаган бирорта жой қолмаган. Тошкент деганда боғбонлар номи билан аталган қадимий «Минг ўрик» калъаси, шаҳристонни тушуниларди. Тарихчи олим Турғун Абдуллаев «Нима учун Минг ўрик дейилган?» деган саволга «Минг туп ўрик экилган» деб жавоб бергандилар. 1970 йили Санъат музейига ишга кирганимда археолог-қадимшунос олима Д. Зильпер «Минг ўрик» қазималарида иштирок этиб, илмий тадқиқотдан илк мартада маъруза қилганда мароқ билан эшитгандим. «Ҳа, боғбонлар шаҳри Тошкентда бошқа меваларга нис-

ТОШКЕНТ БОҒЛАРИ

батан ўрик кўп экилган», деганди Дина Григорьевна.

Чиндан ҳам Тошкентда мевалар кўп. Ҳатто бир қанча маҳаллалар мевалар номи билан аталган. Энг катта ҳудуд Чилонзор, аслида Жиланзор эканлиги маълум. Жилон жийдалар экилган. «Ўрикзор» даҳаси ҳам бор. «Бодомзор», «Мевазор», «Қатор тут», «Қўш тут», «Нокзор», «Қизил тут», «Катта боғ», «Олмазор», «Ипакчи» ва бошқа ўнлаб, юзлаб номлар фикримиз далилидир.

«Бекобод» маҳалласини бекалар обод қилган дейишади. Бирор бекиннинг номини айтиб беринг-чи? десалар, Тўланбек боғбонни ким билмайди дейсиз. Узум навининг йилгирма икки турини билардилар. У кишини асли Бекобод маҳалласидан бўлганин учун эсимни танганимдан билмаган. 110 йил яшагандим. Умрларининг охиригача ҳаётлари боғ ичида ўтди. Кимни кўрсала боғдан гапирардилар. Ўрикни мақтардилар, ривоятлари эшитган кишини ўйлантириб қўярди. Маҳалла хонадонларидаги кўпгина меваларни Тўланбек боғбон ўз қўллари билан экиб берган эканлар. Нишабуқулик Шоабду Мавлон Қорибой томорқасидаги ўрик, нок, олма, ёнғоқ, балх тути, узумларни ҳам Тўланбек боғбон эккан ва кўп йил бойининг боғбони сифатида тилга тушган. Бу гапларни маҳалламизда узоқ умр кўрган Дала ота, Холик ота, Маҳид ота, Носир ота Мирсаидов ва бошқалардан кўп бора эшитгандим. Тўланбек боғбон таърифиди онам Маҳинабону Мурсултон қизи (2005 йилда 105 ёшда вафот этганлар)дан ҳам билиб олгандим.

Ҳозирги «Нишаб Ариқ» маҳалласида яшаган уруш ва меҳнат фахрийси Ортик ота Холмухамедов ҳам яхшигина боғбон эдилар. 30-йилларда боғбонлик билим юртини тугатиб, «Назарбек», «Бешқайрағоч» даҳаларидаги бир қанча маҳаллаларда боғбонлик касбида меҳнат қилиб, атрофни боғ-роғларга тўлдириб юборганларини кекса авлод яхши эслайди. Масалан Хондамир, «Шарқ юлдузи» маҳалласини «Каттабоғ» дейишади. Бу ном беҳизига эмас. Ушбу ҳудудларга Ортик ота Холмухамедов бошчилигида нок, олма, гилос, жийда, олхўри ва узумлар экилган. «Нишаб Ариқ» маҳалласининг тенг ярмига яқини шафтолизор эди. Хамон ҳануз «Шафтолизор» дейишади. Бу ишларда ҳам озми-кўпми Ортик боғбоннинг ҳиссалари бор, албатта.

Тошкент одамлари боғни хуш кўришади. Боғсиз бирорта хонадон йўқ. «Нишаб Ариқ» маҳалласининг ўзида қанчадан-қанча боғбонлар истиқомат қилади. Ўттизга яқин кўчаси бўлса ҳаммаси турли хил мевалар — ўрик, олма, беҳи, олча, шотут, балх тути, ёнғоқ ва бошқа меваларга тўлиқ. Мевалар бирин-кетин пишиб, тағларига тушиб кўзаларни қувнатади. Болалардан тортиб, катталарнинг ҳам меъдаси, кўзалари тўқ. Хамманинг феъли кенг. «Кўчага экилган, кўчаники» дейишмоқда. «Нимага сўрамадан олаясан?» деб бир-бирларини ҳеч ким хафа қилмайди. Мева-чевалар тўқинлигидан бу. Тошкент боғларининг хосияти ҳаммани яхшилиқка ўргатмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тошкентликлар!

Тошкент шаҳрида 2009-2010 йил 7 сентябрдан 25 сентябргача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамлиги ва зичлигига (юқори босимга) синовлари ўтказилади.

1-ИМ (М-1,4)

24 сентябрь кuni — Мустақиллик шоҳқўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Кичик ҳалқа йўли, И.Мўминов, Дўрмон йўли, Э.Отахонов, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент, Боғишамол кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, «Тошқиллоқмаш», Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

14 сентябрь кuni — Мирзо Улуғбек, Темури Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, А.Убайдуллаҳўжаев кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2, турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.

3-ИМ

25 сентябрь кuni — Навоий, Бунёдкор, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай кўчалари, Чорсу, Қоратощ, Олмазор, Бешёғоч, М-10,14,11,; М- 26, 27, 28, Б-1,Б-2,Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

11 сентябрь кuni — Амир Темури шоҳқўчаси, Осиё, Боғишамол, Хуршид, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Н.Ҳасанов, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, А.Хидоятлов, Мингўрик кўчалари, М-1,5,6,12,13,15,М17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4,2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

7 сентябрь кuni — Амир Темури шоҳқўчаси, Юнусобод мавзеси 1÷19 даҳалар, Аҳмад Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч қаҳрамон, Мойкўрғон, Қулоқтепа, М.Мирзаев, Теша Зоҳидов, Жумамасжид кўчалари.

5-ИМ

15 сентябрь кuni — Чилонзор мавзеси 5÷12, М, Г9а, 16÷20А, 26-даҳалар, Дўмброд,

бод, Оқтепа, Қизил Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза, Қозиробод, Катта Хирмонтепа кўчалари.

6-ИМ

11 сентябрь кuni — Мунис, В.Бехтерев, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик - 1÷7 турар жой мавзелари, Қўйлик-айланма йўл.

7-ИМ

16 сентябрь кuni — Қорасув, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Фалабанинг 40 йиллиги -1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

14 сентябрь кuni — Сергели 1÷8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик - 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, М.Алавия, А.Ахматова, Кипчок, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

17 сентябрь кuni — Чилонзор мавзеси, 13÷15, 15А, 21÷24, 30,31 даҳалар, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий - 1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Фозилтепа, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари.

10-ИМ

9 сентябрь кuni — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш -2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3,4, ТошМУ - ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино-1,2, Белтепа мавзелари.

ИЭМ (М-0)

8 сентябрь кuni — Навоий, Рашидов, Бобур, Усмон Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, М-7,Чилонзор турар жой мавзелари 1,2,3,4,5,Е,И даҳалари.

ИЭМ (М-5,8)

10 сентябрь кuni — Амир Темури шоҳқў-

часи, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Фуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол Отатурк, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси

8 сентябрь кuni — Сувсоз турар жой мавзеси худуди, Хусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ» қозонхонаси

9 сентябрь кuni — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари худуди, Аҳиллик, Буюк ипак йўли, Гулсанам, Юзробот кўчалари.

«Саноатэнерго» қозонхонаси

7 сентябрь кuni — Қурувчи турар жой мавзеси.

Иссиқлик тармоқлари ва уй ичи тарқатиш қувурларининг шикастланиши, шунингдек, юқоридаги манзилларда иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкинлигига диққатингизни қаратамиз.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз, 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Куйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали кузги тўхтатиш мўлжалланмоқда.

1-ИМ — «Шимолий-Шарқий» — 14 дан 18 сентябргача

2-ИМ — «Қорасув» — 7 дан 11 сентябргача

3-ИМ — «Фарбий» — 5 дан 9 сентябргача

4-ИМ — «Шимолий» — 5 дан 9 сентябргача

5-ИМ — «Чилонзор» — 7 дан 11 сентябргача

6-ИМ — «Жанубий-Шарқий» — 14 дан 18 сентябргача

7-ИМ — «Авиасозлар» — 7 дан 11 сентябргача

8-ИМ — «Сергели» — 7 дан 11 сентябргача

«Водник» қозонхонаси — 5 дан 9 сентябргача

«ТТЗ» — 14 дан 18 сентябргача

«Саноатэнерго» — 5 дан 9 сентябргача

ТошиЭМ — 14 дан 18 сентябргача

Қозонхоналар тўхтаган даврда иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Давлат унитар корхонаси «Сувсоз» трестини Сиздан шаҳримиз кўчаларидаги сув тармоқларида носозликларини сезсангиз, куйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўрайди.

252-60-08, 252-55-78, 256-10-95, 054.

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан юридик шахс МЧЖ «RALIS TRADE» номига берилган 7-236/2007 реестр рақамли № 10070102010052 ер кадастри хужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент чет тиллар педагогика институти томонидан 1989 йил 30 июнда Жониқулова Фаруда номига берилган 11753 рўйхат рақами, ПВ 830851-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Ҳа, Ватан ягонадир, Ватан муқаддас, бағри кенг она юртимиз, қадрдон гўшамиздир. Шу заминда ўсиб-улғайиб камолга етар эканмиз, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, бор меҳру муҳаббатимиз билан ардоқлашимиз даркор. Зеро, шу азиз Ватан барчамизникидир.



Пойтахтимизнинг сўлим ва хушманзара масканларидан бўлган Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Чилонзор туман Кенгаши ҳамда мазкур боғ жамоаси ҳамкорлигида Республикаимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда гўзал ва навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган оммавий, маданий, санъат ва спорт ҳамда дўстлик байрами ҳам «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланди. Байрам тадбирида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, адабиёт ва санъат намояндalари, шоирлар ва эл севган хонандалар иштирок этишди. Карнай ва сурнай навалари билан бошланган тадбирда ушбу партия фаолиятининг ҳамда боғ ҳаётидан лавҳалар ва бошқа кўргазмалар намойиши ҳам йиғилганлар эътиборини жалб этди. Тадбирда сўзга чиққанлар аввало йиғилганларни Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик кутлуғ тўйи билан муборакбод этишди. Шунингдек, юртимизда амал-

га оширилаётган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлашди.

— Маълумки, юртимизда барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жараёнларнинг юксалишида шубҳасиз, сиёсий партияларнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Дониёр Аюпов. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг бугунги фаолияти ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Ана шундай сиёсий партиялардан бири Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидир. Ушбу партиянинг Чилонзор туман Кенгаши Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти билан ҳамкорликда «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуда 6 бўлимдан иборат оммавий маданий, санъат ва спорт, дўстлик байрам сайлини ташкил этди. Ушбу байрам сайлини ўтказишдан мақсад, Президентимизнинг махсус Қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу ғояни

ўзида муҳасам этган тадбир дастурини намойиш этиш, юртимиз Истиқлолини, Мустақиллик инъом этган қадриятларни, халқлар дўстлиги, биродарлиги ва бирдамлигини тараннум этиш, Ватан мадҳи, халқ бахтини қўлашдан иборатдир.

Тадбирнинг «Ассалом, Тошкентим» деб номланган бўлимида сеvimли шоирларимиз Нуриддин Аминжонов ва Искандар Раҳмон Ватан, она шаҳримиз Тошкентга бағишланган шеърларидан ўқидилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Орифонов ҳамда эстрада хонандалари ижросида она Ватан, Тошкентни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради. «Истиқлол — ёшлар тақдирини» номли бўлимда эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, каратэ бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, куни кеча Японияда ўтказилган 9-жаҳон чемпионатида муваффақиятли катнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлган «қора белбоғ» соҳибаси Зумрад Тазетдинова сўзга чиқиб, Истиқлол йилларида Ортбошимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Байрам тадбирининг «Дўстлик таро-

налари» номли бўлимида эса бир қанча халқаро фестиваллар иштирокчиси Марина Шок турли тиллардаги қўшиқларини ижро этиб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. «Спорт — менинг ҳаётим» деб номланган бўлимда Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида 2008 йилда ташкил топган имконияти чекланган ёшларнинг «Ишонч» спорт клубининг 20 дан ортиқ турли мусобақалар ғолиблари сахнага чиқди. Уларга боғ маъмурияти ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши томонидан байрам совғалари топширилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан байрам тадбирида Тошкент вилояти Қибрай тумани қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари, тадбиркорлари, маданият, санъат аҳли вакиллари ҳам меҳмон бўлишди.

Кувнок куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан шодийна ўтган оммавий маданий, санъат ва спорт ҳамда дўстлик байрам сайли йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзусидаги байрам сайлидан лавҳалар.

методологик томонлари, мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритдилар.

Электрон шаклга ўтказилган «Тошкент» библиографик кўрсаткичига киритилган маълум бир қисм матнлар бу кўрсаткичнинг янада кенгроқ аудиторияларга кириб бориши, уни янги чиққан адабиётлар билан тўлдириб бориш имконияти пайдо бўлганлиги муносабати билан, кўрсаткични янги чиққан адабиётлар билан тўлдириб нашр қилишга оид тақлифлар тушди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

АДАБИЁТЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН ТАРИХ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг катта қирғатхонасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган китоб кўргазмасининг очилиши ва кутубхонанинг библиография бўлими томонидан тайёрланган «Тошкент», «Тошкент — 2200 ёшда» номли библиографик кўрсаткичларнинг, шунингдек, электрон шаклга ўрнатилган «Тошкент» библиографик кўрсаткичининг (рус тилида) тақдими бўлиб ўтди.

эришгандан кейин пойтахт ҳаётида юз берган ўзгаришлар акс эттирилган кўргазмага қўйилган тарихий, бадиий, публицистик ва бошқа жанрларда-

ги асарлар ҳақида, Тошкент ҳақидаги библиографик ва методик қўллалар яратилиши тарихи, тақдим этилаётган Тошкент ҳақидаги библиографик

кўрсаткичлар, улардаги шахар ҳаётининг йўналишларига оид йирик соҳавий мавзули бўлимлар ва улар ичидagi адабиётлар кўрсаткичларининг илмий-

Спорт янгиликлари

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Арманистоннинг Жермук шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич 10-тур беллашувлари якунланди.

МДХ ва Болтикбўйи мамлакатларининг 14 нафар энг кучли «акл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун курашаётган ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов муносиб Ҳимоя қилаётганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта. Қосимжонов ўнинчи турда АҚШлик Гата Камскийга қарши қора донларда ўйнаб, дурангга эришди ва оққолари сонини 6,5 тага етказиб, ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Шунингдек, Иванчук ва Леколарда ҳам 6,5 тадан очко бор. Эътиборлиси, 11-турда ҳамюртимиз венгриялик Петр Лекога қарши донга суради. Агар ушбу беллашувда ким ғалаба қозонса, ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб, ғолиблик сари дадил одим ташлаган бўлади.

Хуллас ушбу турнирда ғолиблик кимга насиб этади? Буни вақт кўрсатади.

(Ўз мухбиримиз)

НУФУЗЛИ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, миллий спорт тури — ўзбек жанг санъати бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган I халқаро турнир муваффақиятли якунланди.

Республика шарқ яққакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси ҳамкорлигида ёшлар ва халқаро ҳамжамият ўртасида янги спорт турини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга, буюк аجدларимиз ва миллий қадриятларимизга эҳтиром, садоқат ва фахр-ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз қаторида Қозоғистон ва Қирғизистондан келган жами беш юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ўзбек жанг санъати — мусобақа, соғломлаштириш, қўл санъати, теурийлар жанг усули ва жанговар усул каби бешта йўналишдан таркиб топган бўлиб, спортчиларда камтарлик, ҳалоллик, сабр-тоқат, ўзини назорат қилиш, руҳий ва жисмоний барқарорлик, катталарга ҳурмат каби халқимизга хос фазилатларни шакллантиради.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МУҲАЙЙИР

Вафо йўқдур жаҳону ҳам жаҳон аҳлида гар бўлса, Вафоси бир неча кунлик эмасму, жовидондурму?

Ҳойил ўлмасдур ажални панжасига, воқиф ўл! Гар сенга теуру ую пўлод бўлсун панжара.

Тааллуқ қайдида ком истамоқ дунё арусидин, Қачон бир оқилу фарзонау хушёрдин келди.

Муҳаббатни юки ондоқ оғирдурким, кўёр чоғда Садое, алҳазар, бу гунбази даввордин келди.

Айласанг ваъда вафо қилғилки, эрмасдур раво, Ҳеч маҳзабда ушатмоқ аҳду паймон, айланай.

Ишқ лаззатин, жоно, булҳавас нечук билғай, Қанд ё шакар таъмин сақмагас нечук билғай.

Ишқ ила ҳавас жаҳонда бўлмаслар ёр.

Хуш аҳли ғариблиқда ватан қилмас эмиш, Оқил киши ўз элидин айрилмас эмиш.

Гар бўлса ғариб филмасал Афлотун Фурбатда онинг қадрини эл билмас эмиш.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН

Вақти-бевақт бировникига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, қўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий; агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса, бул одам бахил.

Золим билан ҳаргиз бўлманлар йўлдош. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

28 августдан бошлаб 2009-2010 йилги цирк мавсумининг очилишига бағишланган, Ўзбекистон Республикасининг етакчи цирк артистлари иштирокида

КАТТА БАЙРАМ ДАСТУРИ

Томошалар иш кунлари соат 15.00да, дам олиш кунлари соат 12.00 ва 15.00да ўтказилади.



Телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23 www.sirk.uz.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1235